

ЖАМД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 4 март шанба
Сотувда эркин нархда № 45 (2342)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJMASINING GAZETASI

ИМКОНИЯТНИ ҚАЕРДАН ИЗЛАШ ДАРКОР?

Фаргона вилоят Кенгашининг сессиясида ана шу саволга жавоб изланди

Одатда, вилоят Кенгашининг сессияларида эришилган натижалар алоҳида тилга олинган, муаммолар, йўл қўйилган камчиликлар енгил-елпи айтиб ўтилган таомилга айланган қолган эди. Шу нуқтани назардан қараганда, вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси тамоман ўзгача рух, кайфият билан ўтди, десак янглишмаймиз. Вилоят ҳокими Алишер Отабоевнинг маърузасида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Фаргона вилоят Кенгашининг биринчи сессиясида вилоятдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасида билдирган танқидий мулоҳазаларидан кейин нималар қилинаётганини баён этилди.

Ҳақиқатан ҳам, вилоят нафақат водийда, балки мамлакатимизда ҳам жуда катта иқтисодий имкониятларга, ҳомашё ресурсларига эга минтақалардан ҳисобланади. Шундай бўлишига қарамай, сўнгги тўрт йил ичида пахта тайёрлаш режаси бажарилмади, дон, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайиб кетди. Ишни эгилмаётган, бир жойда қотиб қолган раҳбарлар баҳонадан нарига ўтишмади.

Лекин ҳеч қим ўтган йилги турокдаги ҳарорат мўтадиллик даражаси етмасдан туриб чигит ташланганлигини, сеялкалар мавсумга ҳозирланмасдан пала-партишлик билан далага олиб чиқилганлигини, деҳқонлар учун етарли шароит яратилмасдан, қоридан буйруқбозликлар давом этганини тўғрилиқ чигит эшик мавсуми 20 иш кунинда эмас, бир ярим ойга қўзилиб кетганини эслатиш ҳоқимизда. Айниқса, дон йиғиштириб олишда ҳам шу хатолар такрорланди. Барча майдонларда керакли микдорда ҳосил тўпланмагани етмагандай, сифатсиз таъмирланган комбайнларда ўримга анча қечикиб тушилди. Оқибатда дон ишлаб чиқариш топшириги 75 фоизда қолиб кетди.

Ҳўш, йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш, давлат олдидаги қарзни узиш учун имкониятларни қаердан излаш керак? Сессияда айнан шу масала жуда асосли тарзда очиб берилди. Маълумки, фермер хўжалиқлари ташкил этилаётганда улардаги мавжуд чорва моллари бош сонига қараб ер ажрати берилган. Ҳозирга келиб бу хўжалиқларда чорва бош сони кескин камайиб кетди. Ҳисоб-китоблар чорва бош сонини нисбатан 804 гектар ер орттирилганини кўрсатди. Мустақилликнинг илк даврида матбуот жамятилар, хўжалиқлардан қорхоналарнинг ёрдами, хўжалиқларига 5390 гектар ер ажратиб берилган эди. Эндиликда уларнинг кўпи тугатилиб кетди. Лекин

ажратилган ерлар ҳамон уларнинг тасарруфида турибди.

Ҳокимлик ердан фойдаланиш масаласини қатъий назоратга олди. Илгари қурилиш ва бошқа иншоотлар барпо этишга ажратилган 100 гектар майдон қайтариб олиниб, ярмига бугдой экилди, қолганига бошқа экинлар экиш режалаштирилди. Катта каналлар, зовурлар, темир йўл бўйлариди экин майдонлари 386 гектар майдонни ташкил этар экан. Айнан шу заҳирдаги ерлардан қимлардир фойдаланиб келган. Аҳолига томорқа бериш масаласи ҳам ўрганиб чиқилди. 1241 гектар ер ҳисобдан ташқари томорқалар ихтиёрига ўтказилиб юборилгани аниқланди. Энг ёмони, мана шу майдонларга тўланиши лозим бўлган 31 миллион сўмлик маҳаллий солиқ тушуми билан ҳеч қим қизикмаган. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иқтисодий ислохотларнинг суст бораётганлигини айнан шу муаммолардан излаш кераклиги алоҳида ўқитилди.

Вилоят мамлакатимизнинг индустриал минтақаларидан бири ҳисобланади. Афсуски, ўтган йилги 34 та қорхона 1 миллиард 655 миллион сўм зарар кўрди. Вилоятда қишлоқ ва ўрта хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи ҳам сезиларли даражада ўсмаётган. Рўйхатга олинган 14 миңдан зиёд қишлоқ ва ўрта бизнес қорхоналарнинг 3 миңдан ортиси фаолият кўрсатмаяпти.

Тармоқни ривожлантиришга берилган кредитларнинг 83 фоизи савдо-сотик учун ишлатилган. Ишлаб чиқариш учун эса атиги 17 фоиз қарз берилган. Ўтган йилги 11 миллион доллар микдорда 6 та лойиҳа бўйича чет эл инвестициясини жалб қилиш тадбирлари қўрилган эди. Афсуски, бу лойиҳалар қозғоқда қолиб кетди — ҳозиргача молиялаштирилгани йўқ. Шу сабабдан бўлса керак, вилоятдаги 60 та қўшма қорхонадан, бугунги кунда фақат 39 таси фаолият кўрсатаяпти, холос. Бешарик, Сўх, Учқўприк туманларида қўшма қорхона ташкил этиш тўғрисида ҳалигача ўйлаб қўрилгани йўқ.

Сессияда Президентимизнинг халқ депутатлари Фаргона вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан, республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларида баён қилинган ўтказилган мажлисида қилган маърузаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган тадбирлар маъқулланди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.



Самарқанд шахрининг Темирийўл туманидаги «Нафис» акциядорлик жамяти ишлаб чиқараётган чинни бўюмлари бежиримлиги ва харидорлигини билан кўччиликнинг эътиборини қозонмоқда.



Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

САМАРҚАНД ЧИННИСИ

Жамият аъзолари туманининг 30 йиллик тўйига соғва тариқасида 100 миллион сўмлик чинни тайёрлаб, мижозларга тақдим этилмоқда.

Қорхонада асосан ёшлар меҳнат қилди. Улар илгарили чинни маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилмаган қорхона ва Россиядан олар эдилар. Эндиликда унинг ўрнига маҳаллий ҳомашё ишлатилаётгани боис маҳсулотлар бирмунча арзонлашди.

Айни пайтда маъмур қорхона маҳсулотига чет мамлакатлардан кўлаб буюртмалар келмоқда. Ўз ишидан мамун жамият аъзолари эса топшириқларни вақтида уюлдириш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатига алоҳида эътибор қаратмоқда. Қорхонада ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қўлайликлар яратилганлиги муваффақиятлар омили бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: расом Маншур Қамбаров; қорхона цехларида иш қилган; ишчилар Матлуба Уринова ва Шарофат Тошматова.

ИСЛОХОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСКИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридики Давлат ва жамият қурилиши академиясида бошланган республика илмий-амалий конференцияси мамлакатда иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш мавзусига бағишланди. Конференцияга давлатимиз раҳбарининг иккинчи чакирғи Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги, Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралар мувофиқлаштирувчи кенгашидаги маърузалари, Вазирлар Маҳкамаси айланишидаги ўтган йил якунлари ва бу йилги режаларга бағишланган нутқи асос бўлиб хизмат қилди. Конференцияда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, ишбилармон доиралар, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаяпти халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг маърузаларида жамият

тимиз ҳаётининг барча соҳаларида яқин йилларга мулжалланган ислохотларнинг аниқ стратегияси белгиланган бўлиб, деҳи конференцияни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Хамидов: — Конференцияимизнинг мақсади маърузаларда қайд қилинган асосий буғунги кунда мамлакатимиз иқтисодидида мавжуд бўлган асосий муаммоларни муҳокама қилиш, худудларда бўлиб ўтган конференциялар натижаларини умумлаштириб, ислохотларни янада чуқурлаштиришга ёрдам бериш аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган иборат.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голитин маъруза қилди. У қайд этдики, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган стратегия республика иқтисодий тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқични белгилаб берди. Ислохотлар бар

ПРЕЗИДЕНТ ЭЛЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 март куни Оксарой қароргоҳида Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Йоланда Брунетти Гоеттини қабул қилиб, унга «Дўстлик» орденини топширди.

Йоланда хоним Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ривожига ҳамда халқларимиз ва ҳукуматларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустақамлашга қўлган ҳиссаси учун Президент Ислам Каримов Фармонага буюрди, мамлакатимизнинг юксак муқофоти билан тақдирланган эди. Орденини топширар экан, мамлакатимиз раҳбари элчининг интилувчанлиги ва давлатларимизнинг ақинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлашини айтиди ва келгусидаги фаолиятида унга муваффақият тилади.

Шу кун Президент Ислам Каримов Украина, Покистон, Канада ва Мексиканинг мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаган фавкуллода ва мухтор элчиларидан ишонч ёрликларини қабул қилиб олди.

Украина элчиси Анатолий Касьяненко билан суҳбат чоғида давлатимиз раҳбари уни ўшуб шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, Ўзбекистон—Украина муносабатлари мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврлардан ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳолда ривожланиб келаётганини таъкидлади. Икки давлат

(ЎЗА).

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигида рангли металл чиқиндилари, темиртерас ва ишлаб чиқариш мақсадларига мулжалланган буюмларнинг талон-торож қилинишига чек қўйишга доир чора-тадбирлар кўришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Бош вазир ўринбосари В.Отаев бошқарган маъмур йиғилишида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, бошқона ва бошқа тегишли идора ва муассасалар вакиллари сўзга чиқиб, кейинги йилларда мамлакатимиз худудидан қора ва рангли ме

талларни чет мамлакатларга ноконунли олиб чиқиб кетиш ҳоллари кузатилаётгани таъкидланди. Электр таъминотида тортиб оқдий телефон алоқа хизматига чаб бўлган соҳаларда рангли металлнинг талон-торож қилиниши натижада мамлакатимиз иқтисодига каттагина зарар етказиб қолганлиги таъкидланди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎЗА).



Ўтган йили Касби туманининг «Наврўз» жамоа-ширкат хўжалигида яшовчи бир фуқаро (унинг бўлиб ўтган ўша воқеадан ҳулоса чиқариб, қайта қонунбузарлик қўчасига қирмаганлигини инобатга олиб, исмини келтирмадик) шахсий қорамолларини пахтазорга бебошвоқ қўйиб юбориб, қанча ердаги гўза ниҳолларини эгилатганлиги учун иши судда қўрилди. Судда эса у «Биздан арзимас хато ўтибди, кечиринглар», дегани-деган. Суд ҳайъати жиддий ҳисоб-китоб далиллари асосида унинг айби оғир эканлигини исбот қилган, боши ҳам бўлиб қолди.

Бўлиб ўтган бу воқеани эслашимизга сабаб шунки, халқимиз ризқ-рўзи сочилган далаларга қўй, қорамолларини тўшириб, пайҳонгарчиликка йўл қўётган кимсалар ҳам, иши судда етиб кел-

гач, «Биздан айб ўтибди», деб ўзларини оқлашга уринмоқдалар. Президентимизнинг 1994 йил 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» қарори, Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага доир қарорларида қўйилган вазифаларни ба-

раб турибди ва улар қилмишлари учун қонун олдида жавоб ҳам бермоқдалар.

Масалан, Қарши тумани «Чароғил» жамоа-ширкат хўжалигида яшовчи Бегим Раҳмонов 20 бош қўй-эчкисини галлазорга ҳайдаб, катта микдорда ҳам говон, ҳам жарима тўлашга маж-

қилганлиги учун жазага тортилди.

Таажубли томони шундаки, бу қўлга тушган кимсалар ўз айбдорлигини «арзимас, майда камчилик» деб қутулишга ҳаракат қилдилар. Бирок текширишларда аниқланган далиллар уларнинг хўжалиқларга анча-мунча зарар келтирилганини кўрсатди.

Маълумки, республикаимиз галла мустақиллигига эришмоқда. Бунинг учун кейинги йилларда мамлакат микдосида катта ишлар амалга оширилди. Серхосил, унмодор ерлар галла учун ажратилди. Галлачилликнинг навларини аяқлаш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинди. Фермерлар, оилавий пудратчилар, тадбиркорлар, галлачилликка киришадиган уларга катта имкониятлар яратилди. Хуллас, галла мустақиллиги учун кураш — давлат сийбати даражасида. Бу мақсадга эришиш учун қилинган ишлардан ташқари, ҳар бир гектар, ҳар

Қарор ва ижро

бир қарич ердан экинларнинг ҳам эҳтиёт қилиб, ривожлантириш ва ҳосилга қиритиш талаб қилинади. Бундай шароитда, молларни қўйиб юбориб, машина-тракторларни, галла пайкаларини, ичига ҳайдаб, «маёбақ»га чиқиб, гиламларини экинлар устига тўшаб, ялло қиладиган қишлоқларнинг қилмишлари асло майда, арзимас иш эмас, балки жиддий жиноят сифатида баҳолашни керак. Уларга муросасиз қўз билан қарашимиз лозим.

— Ноннинг увоғи ҳам нон бўлиди. Ерга тушса, олиб қўйиш суртлади. Ризқу насиба уволидан қўрқадди. Афсуски, айрим кимсаларга халқимизнинг бу эзгу урф-одатлари ва аънаъналари бегона бўлиб қолаяпти. Лекин бу дунё бедарвоза эмас. Ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Жумладан, далалар бойлигини увоқ қилаётган аймон-инсофиз кимсаларнинг ўзи ҳам унинг увоғига қолади. Буни эсда тутайлик.

Ғайбулло САҒАРОВ, Қашқадарь вилоят ҳокимлиги одлия бошқармаси бошлиғи.

РУСТАМ ФЕРМЕРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИЛЛАРИ

арнасойлик қахрамон суратига чизгилар

Биз рақиб эдик. Олий Мажлис депутатлигига қўйилган беш номзоднинг иккиси эдик. Бир-бир ярим ой мобайнида Арнасов, Фориш, Галларовларни ўқиб кездик. Боргани қилибгина, танишмасан, одамнинг қолма-қолмай қўлига, Сайлов ва йўлга, рақиблик ва йўлга — кўнган сайин Рустамга нисбатан кўнганда галати бир илликлик, яқинлик пайдо бўла бошлади.

Белгиланган тартибга буюнган Рустам бешинчи бўлиб сўзга чиқар, тўрт номзоднинг «маърузачаларидан унча-бунча толиққан савлоҳчилар худди ичига ўт тушгандек бирдан жонланган қўлишар, Рустамнинг нутқини қайта-қайта қараслар бу билан «бузилар» эди.

— Мен деҳқончасига галирман, — деб бошлади эди у. Қишлоқда қўраётганини, биланганини айтаман! — Қишлоқ қишлоқларнинг қалбағи ўт қалаётган қўн ҳам ана шу оддийлик замиридаги ҳаётийлик, ҳақдорчилик эди. Арнасов кўнган жазирма иссиғиди даладан бери келмай-

диган одам-да, бери келг, дала деб ўйласам, бошқа томонга чўқиб қолди.

— Асли форшиликман, Ишмадан, — деди Рустам. — Тогда ҳаётимизнинг бор.

Ишмага ҳам бордик. Фориш маркази — Янгиқашлоқдан қўн-ботар томон 15 чакирим юриб, чалга бурисан — Ишма бошланди. Ўртадан сув оқиб қолгани, икки томонга қўн-ботарни келтиришга ёрдам берди. Рустамнинг қўн-ботардан қайтган, тўрт уқасини «оёқ» тургади. «Чўлга кетди, ишайми?» деди, ҳарбийчасига амр қилиб.

(Давоми 2-бетда).

ДИККАТ, ЯНГИ РУКН:

Миллий мафкура қандай бўлиши керак?

Мамлакатимиз раҳбари иккинчи чакирғи Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида «Миллий мафкура ва ғоя, унинг шакллантириш масалалари ҳақида гапирга туриб, олимларимизни миллий мафкура, миллий ғоя масалалари бўйича амалий ишлар қилишга даъват этган эдилар. Қўйилган вазифаларнинг долзарблигини инобатга олиб, таҳририятимиз «Миллий мафкура қандай бўлиши керак?» деган янги руқн оқини мақсадли рақиб вафот деб топди. Шу мавзудаги долзарб суҳбат билан газетамизнинг иккинчи сессиясида танишасиз.

Парижда инглиз ва рус тилларида нашр қилинган дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларида торқатилган «Марказий Осиё» газетаси ўзининг кейинги сонларида биринчи Самарқанд шахрида ташкил этилган қўшма корхоналар ҳақида алоҳида мақола чоп этди.

САМАРҚАНДНИНГ ЕВРОПАГА ЮРИШИ

Зотан, Самарқанд — мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бири. Бу ерда автобус ва юк ташувчи машиналар, музлаткичлар, минерал ўғитлар, чинни бюмлар, шохли газламалар, қишлоқ хўжалик техникалари эҳтиёт қисмлари, озик-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Вилоятга чет эл инвестицияларини киритиш жадал давом этмоқда. Яқинда «Бонфа» хиссадорлик жамияти АҚШнинг «MZ Pacific, Inc» корпорацияси билан 4 миллион АҚШ доллари миқдорид...



ДАЛАДА ИШ ҚИЗГИН

Деҳқон учун ҳар фаслнинг ўзига яраша юмуши бор. Қишда техникаларни таъмирлаб, баҳорги экин-тикин ишларига ҳозирласа, эрта баҳорда ариқ-зовурларни тозалаб, далага маҳаллий ўғит чиқариш билан банд бўлади.

СУРАТЛАРДА: механизатор Шермирза Аскар; ариқ-зовурларни тозалаш пайти. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда). Мана, йигирма йилдан ошди — ҳамон уқаларига бош-ҳамон амри-фармон жилвои қўлида. — Бу ҳуқуқ қўлдан кетган пайтлар ҳам бўлди. — ҳикоя қилди Рустам пешонасини қашиб. — Саксон тўққизинчи йил эди, деҳқончилик жондан тўйдирди. Узи беш ака-ука 30 гектар томорқада ишлаймизу, бош галвадан чикмайди дегн. Галвалар деҳқончилик билан, ер, экин-тикин билан бўлса — бош устига, йўқ, чекка-чеккадан турткилайдиганлар, ҳасад билан қўз олайтирдиганлар кўпайиб кетди.

Янгилишмасам, жамият эгаси қолди ўша кезлар. Сирдарёга бориб, мелькомбинатда юкчилик қилдим. Қўмирлаган жон борки, насибсини топади. Аммо-лекин. — Хайдар ота ўлига насиҳат қилди: — Айрим ҳасадчилару зуравонлардан ранжиган бўлсанг, ерда нима гуноҳ? Биз — деҳқончим, ризқимиз ердан териб, топамиз. Деҳқоннинг ишини худонинг ўзи ўнглайди, ўғлини.

Хайдар ота автөвлик қилган экан ўшанда, ўғли далага — уқаларнинг бағрига қайтиши республикага Исом Каримов раҳбарлик қила бошлаган пайтларига тўғри келди. 80-йиллардаги «пахта иши» Рустамбекдек ўзига бек йигитларнинг ҳам шаштини пасайтириб қўйган эди. Исом Каримов энди раҳбарликка киришган эди, халққа мурожаат эълон қилинди.

— Ушани ўқиб қўзимдан ёш чикиб кетган, — деб эслайди Рустам. — Тасаввур қилинг, ҳар бир пахтакор, деҳқонгача ўғри-муттаҳамга чиқарилди, кучада бош кўтариб юришга орийат дош бермай қолди. Тўсатдан мурожаат чиқса денг! Жаҳон халқлари олдига, ватан олдига ўзбек халқининг юзи ёруғ, кўнгли покиза, деб эди! Минглаб хонадон, минглаб кўнгли ўйи чарогон бўлиб кетди ўшанда!

Ота умид қилган, деҳқонлар ишини ўнглайдиган раҳбарни худонинг ўзи етказди! — Эндям ишлаган — номард! — деди Рустам. Уқаларини қанотига олди. Ҳар гектар экиннинг жонини киритиб меҳнат қилишди. Ким сурчи, ким чиккичи, ким теримчи, ким ҳисобчи — ҳеч ким иш танламади. Томорқа туман марказидан 8 чакирим нарида эмасми, на улор бор, на бошқа — пойи пиеда қатнашди. Туни билан далада қолиб, гайлак гирдида тонг...

РУСТАМ ФЕРМЕРНИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

орттиришлар оддий ва табиий ҳолга айланди. Фермерлик касбидан нон топаман, деган одамнинг иккинчи ҳикмати фазилати шу ердан чиқди: фермер имконини йўқлигини рўқан қилувчи баҳона эмас, ишлаш учун имкон қидиради, уни топади! Арнасойда «Лочин» фермер хўжалиги, бош ога-ини бош Утабевлар оғизга тушди. Бу орада Рустам Тошкент давлат аграр университетини сиртдан ўқиб, битирди. Бир кун тунда, бийдек далада ёлғиз пахтазор ораб юрганди. Трактор товущи эшитилди. «Достоним?.. Келиш нияти йўқ эди-ку, ўзи яқинда кетган бўлса?..»



СУРАТДА: ака-ука Утабевлар далада. (Рустам фермер ўнган иккинчи).

пишини сезади, хориган-хоримагинини, сувга ташна-ташна эмаслигини зумда аниқлайди. Уйда ўтирган жойидан, олис-яқин сафарда юрган жойидан қайси қарич ер «нима қилаётганини» кўз ўнгига гавдалантира олади. Бир йили гўза униб, уюқ қулоқ бўлганда иттифоқо дўл урди. Шафқат қилмади. Рустам эса кетган меҳнатларни, халоватсиз кун тунарли эслади, қўзимдан ёш чикиб кетди. «Осмондан дўл урса, ерда-тупроқда нима гуноҳ?» Меҳнатининг аямасанг, ер — емайди, едирди.

Утабевлар шунга амал қилди. Ҳа, худди шундай. Чўки мустақиллигимиз, ўзлигимиз ва дунёқарашимизни ўзига тобе қилиш, бўйсундиришни истовчи кўчлар йўқ эмас. Бу ҳақда Президентимиз бизларни ўз вақтида оголантирган ва шунга давват қилган эдилар. Демак, миллий мафкура бизни тобе қилишни истаётган кўчларни дарров сеза оладиган, уни бартараф этиш учун халқимизни билаштириш ва енгилга қодир бўлиши керак. Мафкурасиз жамият йўқ. Мафкурасиз замират йўқ. Мафкурасиз замират, тарқоқ жамиятнинг мафкураси мустаҳкам эканлигини яқши билишган. Ва буну хозир ҳам билишди. Лекин... боришадими? Хашар савобини тушуниш билан хашарга бориш орасида шўрлаб дариш қол...

лари бузилди, биз судга мурожаат қилганда, ундирлаган маблағнинг 10 фоизини олдидан тўлаб қўйишимиз шарт.

Хўш, нега энди биз тўлашимиз шарт? Суд қўриқ, айб қайси томонда бўлса, чиким ўша томон зиммасига юклансин. Олам гулистон!.. Назаримда, қонуннинг тегишли бандлари таҳрирга муҳтож...

...Рустам фермернинг суҳбатига тўймайсиз. Хўжаликнинг ҳисоб-китоби Достоннинг, техника Шарофнинг, иш бошқарувчилик Абдурауфнинг зиммасида. Ака-уқаларнинг гурунгига қулоқ солсангиз, бирор жамонинг мажлисонисига кириб қолгандек бўласиз. Аслида ҳам ака-ука Утабевлар оилалари билан катта бир жамона. Бу жамонинг сартавиши қуларни кўп; ернинг шўри, аёб қайси томонда бўлса, чиким ўша томон зиммасига юклансин. Олам гулистон!.. Назаримда, қонуннинг тегишли бандлари таҳрирга муҳтож...

Энди ўш йил бурнинг даврлар ўтди, эди Утабевларнинг даври келди. Утабевлар замонасини қарамонига айланди, демак, замона уларга қулоқ бўлди. Бугунги фермернинг энг катта бахти ҳам, ҳикмати ҳам ана шундай!..

Хуриш ДҮСТУХАММАД. P.S. Кунни кеча Арнасойдан хўшбахт келди: Рустам Утабев Арнасойда фермер хўжаликлар уюшмасининг раиси (туман ҳокимининг ўринбосари мақомида) этиб сайланди. Қандингиз ур, Рустам фермер!



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Инсон ҳуқуқлари миллий маркази томонидан яқинда нашр этилган рисола «Давлат тили: муаммолар ва ечимлар» деб номланади. — Ушбу китоб «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунимизнинг қабул қилинганига ўн йил тўлиши муносабати билан тайёрланган бўлиб, у ўзбек тили масалаларига оид энг долзарб мақоаларни ўз ичига олган, — деди рисола масъул муҳаррири, орқали фанлари доктори Акмал Саидов. — Мақоалар мамлакатимизнинг кўзга кўринган ҳуқуқшунослари, тилшунослари, ёзувчилари ва журналистлари томонидан ёзилган.

«Туркистон-пресс» шидда юз бераётган ҳар хиллик ва чалқалиқларни бартараф этишда қўл келади. Янги тўплам Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи ҳамкорлигида «Демократиялаштириш ва инсон ҳуқуқлари» туркумида нашр этган 13-рисолади.

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Президентимиз Исом Каримов маънавият соҳасидagi ислохотлар, жумладан, миллий ғоя, миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқши, уни дарсликлар, умуман, тарбия жараёнига киритиш вазифаларини белгилаб берди.

Мухбиримиз педагогика фанлари доктори Мухоммадjon КУРОНОВ билан ана шу масалалар хусусида суҳбатлашди.

— Мухоммадjon, Сиз, мутахассис сифатида миллий мафкуранинг аниқ пайтадаги тақомиллашуви жараёнини қандай баҳолаган бўлар эдингиз? — Ҳа, далада айтаётган, Президентимизнинг Олий Мажлиси сессиясидаги маърузаси ижтимоий-гуманитар фан вакиллариинг ислохот даражидаги масъулиятини нафақат эслатди, балки унга йўналиш, куч-қувват берди. Чўки миллий мафкура миллий тараққиётнинг «хозир ва шу ердан»ги муаммолари билан буланган, ўта назарийлашган, ўзбек характерли, урф-одатлари асосида яхлит тизим, механизм шаклида келтирилмагани уни тушуниш ва тушутиришда бир қатор мушқулликларни пайдо қилди. Шу боис ҳам Президентимиз олимларимизга мурожаат қилиб «Ўзбек миллий ғояси, мафкураси деган иборалар қачон пайдо бўлади? Қачон дарсликларга кирадиган?» — деган масалани аниқ бир бор ўртага ташладилар.

— Сиз миллий мафкура масаласида тарихийлик ва замонавийлик нисбатига қандай қарайсиз? — Тарих бизга ота-боболаримиз ўтмиши ҳам буюк давлатни турган миллат эканлигини, бирлашса, албатта, мақсадимизга эришишимизни кўрсатади. Бугунги кунда тарихий мановлар, маънавий меросга сўниб юш тутиш жуда муҳим. Булар миллий мафкура ва тарихий ҳақиқатни ўзвий боғлайди. Аниқ вақтида миллий мафкура бугунги кун воқеалари, янгилишни ва ўзгаришлар билан биргаликда буюк ўтмишимизда яраган қадриятлар ила айвонлашган ҳолда келажак авлодларни ҳозирги ва эртанги синновлар учун чиқаришни лозим. Зотан, эрта бугуннинг давоми-дир.

Шўро мафкураси миллий ва кучли жамиятлар ўзига тезда қаран қилиб олади. Бундай ҳоллар юз бермаслиги учун нима қилиш керак? — Миллат, элат олдидиги бурч, ор-номус ўлимдан ҳам кучли деган тушунишча мукддас миллий ғояларимиздан бирига айлантиришимиз зарур. Токи ўш миллатига қарши кўл кўтарган ўзбекнинг қози қора бўлсин, ор-номус оғриқларидан азоблانسин. Ҳар кунни ўзини нафрат билан қўзатаётган озлаб норози нигоҳларни туйсин. Бундан ортиқ жазо бўлмаса керак. Назаримда, Президентимизнинг миллий мафкурани халқнинг ўзидан, унинг урф-одатларидан олиш керак, деган фикрларининг ҳикмати ҳам шунда.

Миллий мафкура қандай бўлиши керак?

«...Ватан равнақи, халқ манфаати барчамиз учун бирдек муқоддос бўлиши шарт. Том маънода мана шундай олий-жаноб тўғйурган миллий ғоя ва миллий мафкураимизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртада яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор»

Исом КАРИМОВ Улар одамларда ижтимоий жавобгарлик ҳисси камайиб бораётгани ҳақида гапиришяпти. — Буну қандай тушуна бўлади?

МИЛЛАТ ҚУВОНЧИ

«...Ватан равнақи, халқ манфаати барчамиз учун бирдек муқоддос бўлиши шарт. Том маънода мана шундай олий-жаноб тўғйурган миллий ғоя ва миллий мафкураимизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртада яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор»

— Масалан, чексиз ҳуқуқлар мажбуриятнинг сустлашуви ёки йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу, айниқса, кишиларнинг ақли сиймайдиغان эҳтиёжларининг қондирилишини талаб қилиши, шахсий манфаатлари дунёсида уралашиб қолиши ва жамият талабларини қабул қилишга қўлларидан намоён бўлиши. Масалан, Европада мамлакатларидан бирида ўтказилган тадқиқотларда сўралган 16 дан 22 ёшгача бўлган ёшларнинг 80 фоизини қизиқтириш ва мулоқот доираси фақат ота-ониси, уйи, яқин дўстлари билан чекланганини кўрсатди. Улар учун қўшни, маҳалла олдига изза бўлиш тасаввурга сиймайди. Улар ўша безобетликини «Экзотика» дейишади. Майли, нима десалар дейишсин, лекин бизлар «одамлар нима дар экан?» деган ҳақида, ёки тушунча керак. Ва таниқли олим Иброҳим Фозуров айтганидек, бу бизнинг миллий билурлашушимиз, бирлашушимизга ҳизмат қилиши лозим. «Ота-онам, кўни-қўшни, кишлоқ нима дейди?», деган

ЎН УЧИНЧИ РИСОЛА

«...Ватан равнақи, халқ манфаати барчамиз учун бирдек муқоддос бўлиши шарт. Том маънода мана шундай олий-жаноб тўғйурган миллий ғоя ва миллий мафкураимизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртада яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор»

«...Ватан равнақи, халқ манфаати барчамиз учун бирдек муқоддос бўлиши шарт. Том маънода мана шундай олий-жаноб тўғйурган миллий ғоя ва миллий мафкураимизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртада яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор»

«...Ватан равнақи, халқ манфаати барчамиз учун бирдек муқоддос бўлиши шарт. Том маънода мана шундай олий-жаноб тўғйурган миллий ғоя ва миллий мафкураимизнинг маъно-мазмунига, мана шу юртада яшайдиган ҳар қайси инсоннинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор»

МАЙДОН АЖОРАТ АТОНАТ

БЕЛИ БАҚУВВАТ БОТИРЛАР

Кейинги йилларда энергетиклар шахри Тахياتош мамлакатимиз спорт харитасидан муносиб ўрин эгаллади. Бунинг боиси Тахياتошда жаҳон, олимпия ва қитъа мусобақаларида голиблик шоҳсупасига кўтарилган оғир атлетикачилар мактаби шаклланди. Бахтиёр Нуруллаев, Фозилбек Урозимбетов ва бошқа бир қатор чемпионлар спортнинг бу тури бўйича янги-янги чўққиларга интилоқдалар.

От изини той босганидек, ўсмирлар орасидан ҳам бели бақувват оғир атлетикачилар етишиб чиқмоқда. Улардан Мансур Тошимов, Руслан Жумамуратовлар ўз вақтлари бўйича мамлакат голиб бўлишди. Шаҳардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан эса 400 нафар азамат шугулломоқда.

Уларнинг аскарини оғир атлетика гуруҳига катнашди, — дейди мураббий Зокир Аметов. — Ишончим комилки, бу ажойиб болалар орасидан Бахтиёр, Фозилбекларнинг муносиб издошлари етишиб чиқади. Оролбўйида экологик муаммолар борлиги сир эмас. Аммо мурғак болаларимизнинг биллагида Жайхундек жушун куч жуш уриб тургани ҳам айни ҳақиқат. Янги асрининг энг кучли азамати ҳам биздан чиқса ажаб эмас!

Янгибой КҮЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жаббор Навбахор туманидаги ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ миллий курашимизга жуда қизиқарди. Лекин қишлоғида бирорта мутахассис йўқ эди. Ҳикматчи Одил Суяновга курашга қизиқиши тўғрисида гап очганида, бир неча усулларни кўрсатиб, шугулланиш йўллари ҳақида тушунча берди. Жаббор мустақил машқ қила бошлади.

ИЖАНД — ПОЛВОНЛАР ҚИШЛОҒИ

наша бошлади. Орадан йиллар ўтди.

У 1989 йили «Спорт усталиги»га номзод» унвонига эга бўлди. Самарқанд олимпиа резервлари билан юртини битириб, вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан кураш тўғрисида очди. Ҳақиқатда тинмай ишлаши, шогирдларига талабчанлиги ва меҳрибонлиги натижа берди. Дастлаб унинг шогирдлари вилоят миқёсида ўтказилган мусобақаларда ўзларини кўрсата бошлади. Бу унинг кучига куч қўшди. Ҳақ

вонларни миллий курашимизнинг ноши билан шугулланиб, унинг сирасорларини пухта эгаллади. Хизматдан қайтиб келса, қишлоқда мураббий Шойим Хидиров кураш тўғрисида очиб, болалар билан машгулот ўтказиб берди. Ҳеч иккиланмай машгулотларга қат-

Норов ёшлар ўртасида мамлакат чемпиони бўлди.

Жаббор Жумаев ҳозирги кунда ҳам Ижанд қишлоғи марказидаги спорт залида 42 нафар шогирди билан машгулот ўтказиб боради.

Навоий вилоятида Ижанди «Полвонлар қишлоғи» дейилган бўлиши. Бунда Жаббор полвоннинг хиссаси борлигидан унинг ҳамқишлоқлари, шогирдлари фахрланишади.

И. ҲАҚУЛОВ,
«Халқ сўзи»нинг
жамоатчи мухбири.



ЎЗБЕКЛАРГА ТАН БЕРИШАДИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида «Муай-тай» бўйича республика чемпионати ўтказилди.

Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри клубларининг ўн сақиз ёшдан катта спортчилари 15 вазн тоифасида голиблик учун рингга чиқишди.

«Соғлом авлод йили»нинг илк мусобақасини январ ойида болалар ва ўсмирлар ўртасидаги биринчилик билан бошланган эди, — деди федерация бош котиби Замирбек Қосимбеков «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу галги беллашувдан кўзланган мақсад, республикамизнинг энг кучли муай-тайчиларини аниқлаш, олдимизда турган жаҳон, қитъа чемпионатлари ҳамда Таиланда ўтказилган «Кирол кубоги» ва «Шаҳзода кубоги» каби нуфузли халқаро беллашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилувчиларни саралаб олишдан иборат.

З. Қосимбековнинг таъкидлашича, айни чоғда жаҳон муай-тайчилари ўзбек спортчиларининг кучига тан беришади. Чунки, Э. Қўтибоев, Д. Пўлатов, А. Тўхтамиев, З. Қаримов сингари йилларимизнинг бир неча қара жаҳон чемпиони бўлгани ана шундай эътирофнинг асосини ташкил этади.

ОЧИҚ ТЕНДЕРГА МАРҲАМАТ!

РЕСПУБЛИКА ХҲЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТЕНДЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШҚАРМАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ҚУРИЛИШИ ДИРЕКЦИЯСИ

турли мулк шаклидаги қурилиш ташкилотларини қуйидаги объектлар бўйича ўтказилган очик пудрат савдолари (тендер)да қатнашишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Тарт. №	Қурилиш объектнинг номи ва манзили	Лойиҳавий қуввати ўқув/ётоқ
1	Мирзачўл туманидаги касб-хунар коллежини қайта таъмирлаш	600/100 ўриш
2	Ғаллаорол туманидаги касб-хунар коллежини таъмирлаш	600/100 ўриш
3	Жиззах шаҳридаги «Ўзбек-турк» академик лицейи биносини қайта таъмирлаш	825/200 ўриш
4	Янгибод тумани Усмонов номи қишлоқ врачлик пункти	50 қатнов

Юқоридаги объектларнинг тендер ҳужжатларини РХХ тендерларни ташкил этиш бошқармаси Жиззах вилоят филиалидаги қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

Жиззах ш., Ш. Рашидов к-си, 63-уй (вилоят кенгашлари уйи), 530 ва 532-хоналар.
Тел.: 8(372-22) 6-14-66.

2615

ТУНГИ ШАРПА

ашаддий от ўғрисиининг эгри оёғи уни фақат бир қишлоққа шум ният билан бошлаб келаверди

Қайси бир ҳижога қаҳрамони бўлган лўли йиғитни ажал ва от ўғирлаш иштиёқи тулканнинг тағига етаклайди, қирчиллама ёшига фожияли нукта қўяди. Жўлмирза Худойбергенов лўли эмас, туб миллатнинг боласи. Бағри кенг элимизнинг нонини еб, сувини ичиб катта бўлган. Бир вақтлар Нукус шаҳар Кўксўл қўргониди «Дўстлик» кўчасида бола-чақаси билан бинойидек яшаб келарди. Қариндошуруғ, ёру биродарлари уни сийлаб оёғининг остига қўй сўйишарди. Нима бўлди-ю, Жўлмирза жиноятнинг боши берк кўчасига кириб кетди. Муқаддам икки марта судланиб, қилмишлари учун тегишли йўсунда жазосини ҳам олди.

Яқинлари, таниш-билишлари «боши бир эмас, икки марта тошга теги. Энди қатқин ҳам пуфлаб ичса керак. Эси кириб, бола-чақасини, қариндошу қўшнларининг обрў-эътиборини ўйла, нотўғри йўлдан ўзини тияр» деб ўйлашди. Бир неча марта ўртага олиб панду насихат қилишди.

Бунинг Жўлмирза кулоғига олгандек бўлди.

— Мени ким деб ўйлапсизлар? Қўр хасасини бир марта йўқотади. Йиғитиридим барча номзодлар ишларни. Қанақасига қасам ичай?!

У қўлини кўксига қўйиб қасамд қилди. Яна ўша қинғир ишларини давом эттирарди. Бу гал от ўғирлашни ўзига «муқим» касб қилиб олди.

Тун ярми. Кегайли тумани Б. Қаримбердиев номидаги ҳўжаликнинг «Чорва» қўргониди жимжитлик. Кун бўйи пахта йиғим-терими, экин-тикин ўрими, рўзгор ишлари билан банд бўлган қўргон аҳли ши-

Жиноятга жазо муқаррар

рин уйқуда. Айнан шу тун ярмида қўргон кўчасида бир шарпа пайдо бўлди. Хийл гандирақлаб юргандин унинг маст холда эканини пайқаш қийин эмасди. Таассуфким, бу шарпа «Бировнинг мулкига, молига қайрилиб қарайдиган бўлсам, қўзим чиқсин!» деб неча марта отч ичган Жўлмирза Худойбергенов эди. У ўзини аввалдан мўлжаллаб қўйган хонадон — Т. Аширваннинг қўрасига ўрди. Сўнг боғлоглик турган отни тойи билан бирга ўғирлаб чиқди. Бир-икки кун тўқайта аширғандан сўнг Чимбой бозорига олиб бориб сотди...

Шундай қилиб, у бир қишлоқ фуқаросини зор қашқатиб, не-не умидлар билан боққан йилқисини ўғирлади. Фақат шугина эмас. Қаром-қаршининг мазасини олган Жўлмирза худди шу овулда яшовчи Т. Алламуратовнинг ва яна икки хонадондаги тулпорларни «тинчи-тиб» кетди. Ҳамёнидагини сарфлаб бўлғач, яна — бешинчи бора ўша қишлоққа борди. Бу гал фуқаро А. Сулаймоновнинг отини ўғирлаб кетди.

Тез орада ашаддий от ўғрисиининг қилмиши ошқор бўлди. Учинчи марта қора курсига ўтириб, узоқ муддатга озолиқдан маҳрум этилди.

Кеча қоронғу бўлиши мумкин. Аммо қонун деган чироқ ҳар қандай қилмишни ёруққа олиб чиқади, жиноятга яраша жазога тавсия этади. Ж. Худойбергеновнинг қилмиш-қидирмишларига қўйилган сўнгги нукта бунинг тўла тасдиқлаб турибди!

П. САМАМБЕТОВ,
Кегайли тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси.

ОЛТМИШ ТҮРТ КАТАК ЯНГИЛИКЛАРИ

Яқинда Чимкентда бўлиб ўтган навбатдаги турнир республикамиз вакили Дмитрий Қаймов учун кўп йиллардан бери озиқиб кутилган натижа берди. 9 имкониятдан 6 очко жамғариб, грессмейстерликка балл олиш учун белгиланган талабни адо этганини хабар қилган эди.

Орадан кўп ўтмай худди шундай воқеа Испаниянинг Линарес шаҳрида юз берди. Бу ерда ўтказилган йиллик халқаро турнирда иштирок этган самарқандлик ёш шахматчи Марат Жумаев 10 имкониятдан 7,5 очко жамғариб, грессмейстерлик учун балл олиш имкониятини қўлга киритди. Марат бир ойча муқаддам Хиндистонда

ўтказилган Осиё биринчилигида ҳам республикамиз терма жамоасининг қитъа чемпиони бўлишга катта ҳисса қўшган эди.

Навбатдаги республика чемпионатининг биринчи лига мусобақалари ниҳоясига етди. Тошкентдаги 15-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносидан ўтказилган аёллар чемпионати биринчилигида салкам 50 нафар киши катнашди. Уларнинг асосий қисмини иктидорли қизлар ташкил қилди. 9 имкониятдан 8,5 очко жамғарган Лидия Малиничева биринчи, 7 тадан очко йиғган Муқаддам Шкирова билан Ирина Барковская эса 2,3-ўринларни эгалладилар. Ни-

зомга қўра, бу уч голиб Таиланда ўтадиган халқаро беллашувга йўланма олишди.

Эрақлар ўртасидаги биринчилик мусобақалари эса



Икки юришда мотга эришингиз керак. Оқлар бошлайди.

Марказий шахмат клубида ўйнади. Жами 67 иштирокчининг бир нафари халқаро грессмейстер, 4 нафари спорт устаси ва қолганлари спорт усталигига номзодлар эди. Беллашувнинг дастлабки турдан иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат юзага келди. Кун сайин пешқадмлар сафди ўзгариб боради. Ҳақиқатда иштирокчиларнинг асосий қисмини иштирокчи II бошқич натижаларига қараб қолди. Учинчи турда ҳамшахри Рамз Қўтбидиновни енгган Собир Умаров бошқалардан 1 очко ўзиб кетган эди. Ун биринчи ўрашувда эса у дуранига имзо чекиб, биринчи ўринни қўлга қилиб қўйди. Акбар Алибоев билан

Бегали Саидов ўзaro учрашиб қолганлиги кескинликни ортириб юборди. Ҳуддан ёшроқ рақибига қараганда ҳар жиҳатдан бошқорқ А.Алибоев яқини устуликка эришиб, очколар сонини 8 тага етказиб олди. Шундай қилиб, икки кунлик баҳслар натижасида 8,5 очко билан гулистонлик Собир Умаров биринчи ўринни эгаллаб, олий лигага йўл олди ҳамда миллий тоифадаги спорт устаси унвонини қўлга киритди. Юқори табақга бериладиган иккинчи йўланма эса А.Алибоевга nasib этди.

Мамажон МУХИДИНОВ.

Ўқимизнинг Ўқимлар ва Жаноблар! ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «АСАКА» БАНКИ



Сизларга банк хизматларининг янги тури - сўм пластик карточкасидан фойдаланишни таклиф қилади.

«АСАКА» банкининг сўм пластик карточкаси ишончли, обрўли, қулай ва фойдалидир

Пластик карточка йилига 39,29% фойда беради ва карточка ҳисобида қолган маблағингизга ҳар ойда фоиз қўшилиб боради; Зарурият туғилиши биланоқ ўзингизга қулай пайтда нақд пулларни пластик карточкадан олишингиз мумкин;

Пластик карточкани йўқотиб қўйсангиз, ўз пулларингизни йўқотмайсиз;

Мутахассисларимизнинг юксак профессионал тайёргарлиги ва мижозларимизга сифатли хизмат кўрсатиши Сизга саноқли дақиқалар ичида пластик карточка олиш имконини беради;

Энг асосийси, «АСАКА» банки Сизнинг омонатларингиз сақланишига ва сир тутилишига тўла қафолат беради.

«АСАКА» банкининг сўм пластик карточкасига эга бўлиш билан боғлиқ барча масалалар бўйича банкининг Тошкент шаҳар бўлимига, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 73-уй, телефонлар: 120-83-32, 120-83-14, 120-83-91, 120-81-79.



Банк «Асака»

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Мираломов, С. Мухидинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худойбердиев, И. Шогўломов, О. Қайибердиев (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Хошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтқи тартиби № 0001
Буюртма Ғ — 196. 27017 нусхада босилган,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз биними А-2
Газета ИВМ компьютерлаш термини ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамият ТОВАКВ томонидан сақлалади.
Тахриратда ҳажми 5 қоғаздан иборат материаллар қабул қилинмайди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпанов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — А. Хайдаров.
Муҳасшиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга тошириш вақти — 21.00 Босишга тоширилади: 22.40 1 2 3 4 5 6

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси